

«Ўзбекистон — 2030» стратегияси: тижорат банкларида Ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш



15:11 / 02.08.2023 1691

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги фармони ва «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор лойиҳалари жамоатчиликка очиқ муҳокамага қўйилгани кўпчилигимизга маълум. Лойиҳа доирасида бир қанча мақсадларга эришиш кўзда тутилган бўлиб, шулардан бири «Банк тизимида ислохотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантириш»дир.

Ушбу мақсадга эришиш учун бир қанча аниқ вазифалар кўрсатиб ўтилган бўлиб, жумладан, камида 3 та тижорат банкларида Ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш кўзда тутилганлиги барчамиз учун қувонарли маълумот дейиш мумкин.